

“ТАСЛИКЛАЙМАН”

“НКМК” АЖ Бошқарув раиси — Бош директори

Қ.С. Санакулов


“ 10 ” январь 2024 й.


“НКМК” АЖда 2024 йил давомида Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш ҳамда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш йўналишида амалга оширилиши режалаштирилган ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ


| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Муддат | Масъул ижрочилар |
|-----|--|-------------------------|---|
| 1. | “НКМК” АЖ (кейинги ўринларда - Комбинат)да Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 августда 3383-сон билан рўйхатдан ўтказилган Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиёти асосида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ўтказиш. | 2024 йил январь-февраль | Комплаенс хизмати (Авезов) |
| 2. | Комбинатда қабул қилинган ички идоравий ҳужжатлар (ёки лойиҳалар)ни коррупцияга қарши ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, таҳлил қилиш ва доимий равишда ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиб боришни таъминлаш. | 2024 йил давомида | Комплаенс хизмати (Авезов) |
| 3. | Комбинат ишчи-ходимларига Монополияга қарши комплаенс тизими, Коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ва ички идоравий ҳужжатларни тарғибот қилиш ва ўқув семинар машғулотларини ташкил этиш. | 2024 йил давомида | Комплаенс хизмати (Авезов) |
| 4. | “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, Харид комиссияси аъзоси сифатида харид ҳужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда келишиш. | 2024 йил давомида | Комплаенс хизмати (Авезов) |
| 5. | Комбинатда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича расмий веб-сайтда тегишли маълумотларни жойлаштирилишини доимий назорат қилиш. (ПФ-6247, ПФ-154, 07.02.2022 йилдаги 84-буйруқ, 06.12.2022 йилдаги чора-тадбирлар режаси) | 2024 йил давомида | Комплаенс хизмати (Авезов) Жамоатчилик билан алоқалар бўйича директор (Раупов) |


| | | | |
|-----|---|-------------------------|---|
| 6. | Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан олиб бориладиган “Очиқлик индекси”да Комбинатнинг 2023 йилдаги (76.2 балл) эришган натижасини яхшилаш чораларини кўриш. | 2024 йил давомида | Комплаенс хизмати (Авезов) Жамоатчилик билан алоқалар бўйича директор (Раупов) |
| 7. | Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳолаш рейтингда Комбинатнинг 2023 йилдаги (64 балл) эришган натижасини яхшилаш чораларини кўриш. | 2024 йил давомида | Комплаенс хизмати (Авезов) |
| 8. | Одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишларида иштирок этиш ва тегишли таклифлар бериш. | 2024 йил давомида | Комплаенс хизмати (Авезов) |
| 9. | Комбинат марказий аппарати учун ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари” халқаро стандарти сертификатини олиш. | 2024 йил сентябрь | Комплаенс хизмати (Авезов) |
| 10. | Комбинат тизимида манфаатлар тўқнашувини ҳолатларини олдини олиш, аниқланган ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўриш. | 2024 йил давомида | Комплаенс хизмати (Авезов) Кадрлар бошқармаси (Рахматов) |
| 11. | Комплаенс хизмати ходимларини коррупцияга қарши курашиш йўналишида халқаро семинар, тренинг ва малака ошириш курсларида ўқитиш. | хар чоракда | Бош директор ўринбосари (Тапаров) Комплаенс хизмати (Авезов) |
| 12. | “9 декабрь - Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни” муносабати билан Комбинатда коррупцияга қарши курашиш ойлигини ўтказиш. | 2024 йил ноябрь-декабрь | Комплаенс хизмати (Авезов) |

Келишилди:

 (Р. Авезов)
Комплаенс

 (Ж. Раупов)

 (О. Рахматов)

 (К. Тапаров)